



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН. • 4 март 1971 йил, пайшанба • № 53 (14.823). • Баҳаси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVIII СЪЕЗДИ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVIII съезди 3 мартда Тошкентда ўз ишнини давом эттирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов раислигида ўтган эрталабки мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиш давом этди. Музокараларда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчинов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленисининг раиси К. Нуъмонов (Яшин), Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Раулов, Қосон районидagi «Большевик» совхозининг бош Ҳушмуродов, Фориш район партия комитетининг биринчи секретари С. Есимов, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонини генерал-полковник С. Е. Белоножко сўзга чиқдилар.

Танаффусдан кейин раислик қилувчи — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секре-

тари И. Р. Қурбонов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат ҳавфсизлик комитети раиси А. Д. Бесчастновга сўз берди. Шундан кейин музокараларда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси Н. Маҳмудов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев, Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Н. Сигидин, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Муродов, Ўзбекистон қасаба союзулари советининг раиси М. А. Зойдов сўзга чиқдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар тамом бўлди.

Съезд кун тартибидagi навбатдаги масалани қараб чиқишга ўтади. Раислик қилувчи — Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахоннов СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани

юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳаси тўғрисида доклад қилиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиевга сўз беради.

Бу масалани муҳокама қилишда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсидинов, республика пахта тозалаш саноати министри М. Иброҳимов, Тошкент авиация заводининг презерчиси А. А. Девятова, Бўз район партия комитетининг биринчи секретари А. Исмоилов қатнашдилар.

Республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров раислигида ўтган кечки мажлисда кун тартибидagi учинчи масала юзасидан музокаралар давом этди. Қашқадарь область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғойибов, Қўшқўпир районидagi «Тошкент» колхозининг бригада бошлиғи У. Нуруллаева, «Сред-азирсовхозстрой» бошқармасининг бошлиғи А. А. Саркисов, Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозининг раиси М. Г. Хван, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси Е. А. Айтмуротов пўтқ сўзладилар.

Съездда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов яқуловчи пўтқ сўзлади.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишнини бир овоздан қониқарли деб топди ва Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини тасдиқлади.

Съездда Украина, Қозоғистон, Грузия, Тожикистон, Арманистон, Эстония, Молдавия, Қирғизистон Компартиялари Марказий Комитетларидан, Литва Компартиясининг съезидан, КПСС Довистон область комитетидан, Греция Компартияси Марказий Комитетидан олинган табрик мактублари ўқиб берилди. Съезд номига жуда кўп табриклар ва меҳнат зафарлари тўғрисида республика меҳнатқашлари коллективларининг рапортлари олинди.

Туркистон ҳарбий округининг жангчилари съезд делегатларини самимий табриқладилар.

Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди ўз ишнини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

КПССнинг XXIV съездини мўносиб кўтиб олиш учун курашавтган Наманган области саноатининг меҳнатқашлари товар маҳсулотини реализация қилиш икки ойлик планини муддатидан илгари 26 февралда бажардилар. Қўшма равишда бир неча миллион сўмлик саноат маҳсулотини реализация қилинган.

Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди ва КПССнинг XXIV съездини мўносиб кўтиб олиш учун социалистик мажбуриятларини бажаравтган Самарқанд области саноатининг меҳнатқашлари саноат маҳсулотини реализация қилиш икки ойлик планини муддатидан илгари 25 февралда бажардилар. Пахта тозалаш саноати заводлари, шина реконт қилиш заводи, ёғ комбинати, Ланган нон бошқармаси ва бошқа корхоналарнинг коллективлари яхши меҳнат қилдилар. Маҳсулот реализация қилиш ҳажми ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 23 процентга ортиди.

Қашқадарь области саноатининг меҳнатқашлари съезд оли мўсбақасини кенг эволидиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳсулотини реализация қилиш икки ойлик планини муддатидан илгари, 25 февралда бажардилар. Икки ойлик планга қўшимча равишда миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилад.

Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди ва КПССнинг XXIV съездини мўносиб кўтиб олиш учун мўсбақалашавтган «Бухаранефтегаз» бирлашмаси корхоналарининг коллективлари тўққизинчи беш йиллик биринчи йилининг икки ойлик планини асосий нўрсатиқлар бўйича муддатидан олдин бажардилар. Пландан ташқари 95 миллион кубометр табиий газ ва 7 минг тонна нефть ҳамда нефть қоришмаси қазиб олинди.

Самарқанд область Хатирчи райони чорвадорлари Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVIII съездида мўносиб совға тайёрладилар. Улар съезд иш бошлаган дақиқаларда давлатга гўшт топшириш квартал планининг 135 процент ва сут топшириш квартал планининг 102 процент бажарилганлиги тўғрисида ғалаба рапорти бердилар. Айни вақтда хатирчилар уч ойлик тухум топшириш юзасидан белгиланган планини ҳам ошириб ёд этдилар. Районнинг бу ғалабасига Ленин номи, Карл Маркс номи колхозлар ва «Мейбуло» совхоз катта ҳисса қўшдилар. Топширилган ҳар беш қоралонинг ўртача вазни 336 килограммини ташкил этди.

Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш давом этмоқда. Шу билан бирга чорвадорлар қўзғилиш кампаниясига қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Тошкент «Компрессор» заводининг меҳнатқашлари КПСС XXIV съезди шарафига олган ўз мажбуриятларининг асосий шартларидан бирини муддатидан олдин бажардилар. Улар йил бошидан бери топшириққа қўшимча равишда олти минг сўмликдан ортиқ товар маҳсулотини ишлаб чиқардилар.

Декабрь ойининг бошида йирик деталларни ишлаш участкаси коллективининг ташаббусига биноан съезд очиладиган кунгача қолган вақт заводида зардор кунлар деб эълон қилинди. Станоксозларнинг ватанпарварлик ташаббусини корхонада биринчи бўлиб механика цехининг коллективи қўллаб-қувватлади. Цех ишчи ва инженер-техник ходимларининг яримдан кўпи оширилган шахсий мажбуриятлар олишди. Бу — цехда йиғувчиларни зарур деталлар комплекти билан таъминлашда бир ҳафта илгарилаб кетish имконини берди.

Завод коллективи дастлабки икки ой ичида икки юз қирқ тўртта компрессор станция тайёрлади. Бу — ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан йигирма тўртта кўпдир. Бундай ўсишга меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришилди.

Фарғона областидаги пахта тозалаш корхоналари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Йил бошидан буён мамлакатимизнинг тўқимачилик корхоналари учун пландан ташқари икки минг тўрт юз тонна юқори сифатли хом ашё тайёрланди. Шу давр ичида қувватлардан яхши фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан ишлаб чиқарилган пахта толаси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан саникз процентдан зиёд кўлайди.

Қосон районининг меҳнатсевар чорвадорлари Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди ҳамда КПССнинг XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мўсбақага қўшимча, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар давлатга гўшт сотиш йилин планини муваффақиятли ёд этишга эришдилар. Қосон районининг азаматлари давлат қабул пунктларига 190 центнер гўшт етказиб бердилар. Шу кунларда районда давлатга пландан ташқари гўшт топшириш давом этмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVIII СЪЕЗДИ. Суратда Тошкент области делегатларидан бир группаси (чапдан) — Калинин районидagi «Қорасув» совхоз партия ташкилотининг секретари М. Екубова, «Келес» совхозининг сут соғувчиси М. Иноғомова, Янгийўл районидagi Жамбул номи совхозининг бош зоотехники К. Қоранонов, Урта Осиё машинасинаш станциясининг лаборатория мудири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Топко, Калинин районидagi Карл Маркс номи колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғ. Абдуллаев.



Суратда: Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездида иштирок этаётган Фарғона, Наманган ва Қашқадарь областлари делегатларидан бир группаси. И. Глауберзон фотолари.

АГРЕССОРЛАР РЕЖАСИ БАРБОД БЎЛАДИ

Термиз районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхозда митинг ўтказилди. Митинг қатнашчилари Совет ҳўкуматининг 26 февраль баёотини яқдлик билан қўллаб-қувватладилар.

Илгир пахтачилик бригадасининг бошлиғи Х. Эрнзаров митингга сўзлаган нўтқида бундай деди:

— Америка ҳарбийларининг жўноий ҳаракатлари тинчликсевар халқларнинг ҳаммасини қаттиқ ғазаблантирмоқда. Совет ҳўкуматининг баёнотида мамлакатимиз меҳнатқашла-

рининг Хинди-Хитойда агрессия доираси кенгайтирилишига йўл қўймасликка некин қарор берганлиги эркин ифода этилган. Совет кишлари бу баёнотга жавобан социалистик ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида фидокорона меҳнат қилдилар.

Механизатор У. Юсупов, бухгалтер Н. Қолпиров ўрғоклар Х. Эрнзаровнинг нўтқини қизини қувватладилар.

Митинг қатнашчилари Қамбоджа, Лаос ва Вьетнам Демократик Республикасининг Москвадаги элчихоналарига телеграмма юбордилар. Улар бу телеграммаларида Хинди-Хи-

той халқларининг озодлик ва мустақилик йўлидаги курашда улар билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар. Сурхондарё областидаги колхоз, совхозларда, корхона ва қурилишларда ҳам Совет ҳўкуматининг баёотини қўллаб-қувватлаш юзасидан митинглар ўтказилмоқда.

Бутун мамлакатимиздаги катта-кичи энергетика иншоотлари қурилишига ўз меҳнати билан ҳисса қўшган Тошкент электротехника заводининг инженерлари ва ишчилари талафус вақтида 2-сехта тўлалишиди. Бу ерда Америка ҳарбийла-

ТИНЧЛИКНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ

Совет ҳўкуматининг Яқин Шарқдаги аҳволга доир баёноти жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди.

СОФИЯ. «Отечествен фронт» газетаси Совет ҳўкуматининг баёноти тўғрисидаги шарҳларда кўйилганларни ёзди: Совет ҳўкумати баёнотининг моҳияти Яқин Шарқдаги тинчлик душманларини фош қилиш, уларнинг жавобгар эканлигини кўрсатишдангина иборат бўлмай, балки тинчликдан манфаатдор бўлган барча давлатларнинг куч-ғайратини Исроил ва Исроил ҳомиларининг масалани сиёсий жиҳатдан ҳал этишни барод қилишларига йўл қўймаслик учун сафарбар этишдан ҳам иборатдир. Тинчликсевар кўчлар, аввало, Совет Иттифоқи Яқин Шарқ моҳирасини сиёсий воситалар ердимида ҳал этишни қатъий ёқлаб чиқарганлиги тинчлик сиёсатининг ғалаба қозониши учун ғавровдир.

Вашингтон ва Тель-Авивдаги баъди доиралар авантюристик кайфиятда бўлишларига қарамай, деб яна ёзди газетаси, улар наҳондаги вазият билан, араб аўстларини яқин қўндоқламайдиган кучларнинг ёрдами билан ҳисоблашмай қолмоқдалар. Бу эса, яқин Шарқ тағиллигини тинч йўл билан ҳаққоний суратда бартараф қилишга умид бахш этибгина қолмай, балки бунга эришиш муқаррар эканлигини ҳам далолат беради. Совет ҳўкумати баёнотининг буюк аҳамияти ҳам ана шундадир.

БУДАПЕШТ. Совет ҳўкумати, деб ёзди «Мадьяр хирлап» газетаси, Яқин Шарқда тинчлик кучлари билан реакция кучлари ўртасидаги курашда тинчлик сиёсатининг ғалаба қозониши учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўриверади, Газета Яқин Шарқ моҳирасини сиёсий воситалар ердимида бартараф қилиш лозим, деган ҳулосани чиқарди.

АДАН. Аданнинг етаичи газетаси, си—«14 Октябрь» газетаси Совет ҳўкуматининг Яқин Шарқдаги аҳволга доир баёнотини шарҳлаб кўйилганларни ёзди: «Қўшма Штатлар ва Исроил Яқин Шарқ тағиллигини тинч бартараф қилишга қарши чиқётганликлари учун жавобгардир».

Исроил ҳўкуматининг доираларининг ўз эстиметик мақсадларини амалга оширишга қаратилган йўллар, деб таъинлайди газетаси, муқаррар барбод бўлади.

ТЕХРОН. Техронда чиқадиган «Кехан интернашнл» газетаси Совет ҳўкуматининг Яқин Шарқдаги аҳволга доир баёнотини шарҳлаб кўйилганларни ёзди: «Совет Иттифоқи Яқин Шарқ моҳирасини сиёсий жиҳатдан бартараф қилишни астойдил ёқлаб чиқмоқда».

Совет Иттифоқи, деб ўтириб ўтади газетаси, Қўшма Штатларни қораламоқда. Исроилнинг ўз қўшинларини араб территорияларидан олиб чиқиб кетишдан бош тортганлиги тўғрисидаги баёноти учун Қўшма Штатлар ҳам Исроилларнинг куч-ғайратини Исроил ва Исроил ҳомиларининг самимий дўсти бўлган Совет Иттифоқи арабларнинг Исроиллик агрессорлар томонидан босиб олинган ўз ерларини қайтариб олиш йўлидаги курашини нег қўлмада қўллаб-қувватламоқда. Совет ҳўкумати, деб таъинлайди газетаси, бундан буён ҳам шундай ёрдам нўрсатишга тайёрдир.

БАҒДОД. «Ат-Тахассис» газетаси Совет ҳўкуматининг Яқин Шарқдаги аҳволга доир баёнотини шарҳлаб, бундай деб ёзди: Бирлашган Араб Республикасининг тақлифларини қабул қилишдан бош тортган Исроил бу билан агрессия экспансиячилик сиёсатини ўтказётганлигини исбот қилди. Совет Иттифоқи Исроиллик агрессорларни қўллаб-қувватлаган АҚШнинг позициясини некин қораламоқда.

Газета «Яқин Шарқдаги воқеаларнинг ривожланиш истиқболлари» сарлаҳали редакция мақолада кўйилганларни ёзди: жаҳоннинг шу районидagi воқеаларнинг бериши Исроил Яқин Шарқда тинчликнинг тикланишига ҳар қандай йўллар билан ҳалақит бераётганлигини кўрсатди.

ПАРИЖ. «Юманите» газетаси СССРнинг Яқин Шарқдаги тағиллини бартараф қилиш масаласида тутган йўлини тўла маъқулайди.

Совет ҳўкумати ўз баёнотида, деб ёзди «Эно» газетаси, масалани тинч ҳал этишининг ҳар қандай йўлига қарши чиққан Исроил жавобгар эканлигини кўрсатди ва АҚШнинг бу сиёсат ҳомили қилаётганлигини фош этди. Совет ҳўкумати барча тинчликсевар давлатларга мурожаат қилиб, уларни Тель-Авивнинг Яқин Шарқ моҳирасини сиёсий жиҳатдан бартараф қилиш ишнини барбод этишга ҳалақит беришга дэъват этди, деб таъинлайди «Насон» газетаси.

ПРОПАГАНДИСТЛАР МАШҒУЛОТЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДАЛАР

Ўзбекистон партия маорифи системасидаги йигирма мингдан ортиқ марксизм-ленинизм асослари мактабларининг тинчловчилари жарт ойда «КПССнинг иқтисодий сиёсати ва фан-техника революцияси» проблемаларини ўргана бошлайдилар.

Шаҳар ва район партия комитетларида марксизм-ленинизм асослари мактаби пропаганда-

ларининг семинари бўлиб ўтди. Тошкент сиёсий маориф уйида сиёсий маориф кабинетлари мудиридаги инструкторлар берилган жарт ойда «КПССнинг иқтисодий сиёсати ва фан-техника революцияси» проблемаларини ўргана бошлайдилар. Шаҳар ва район партия комитетларида марксизм-ленинизм асослари мактаби пропаганда-

